



## ФОЙДА СОЛИГИНИ ҲИСОБЛАШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Рустамов Соҳиб Рустам ўғли

Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил тадқиқотчуси

email: [rustamovsohib@gmail.com](mailto:rustamovsohib@gmail.com)

### ARTICLE INFORMATION

Volume: 1

Issue: 5

DOI:[https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1\\_iss5/a14](https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss5/a14)

### ABSTRACT

Ушбу мақолада фойда тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири бўлиши билан бирга, дунё амалиётида бюджет даромадларини шакллантиришнинг асосий манбаи сифатида асосий солик солиш обьектларидан бири ҳисобланади. Фойдадан олинадиган солик тури фойда солиги ҳисобланади. Фойда солиги соликка тортишнинг энг сўнгги босқичи бўлиб, адолатли солик ҳисобланади. Шу сабабли, фойда солиги солик тизимида муҳим аҳамиятга эга эканлиги кўриб чиқилган ва оптималлаштириш учун илмий амалий таклифлар келтириб ўтилган.

### KEYWORDS

Фойда солиги, адолатли солик, солик сиёсати, солик базаси, солик ставкалари, солик юки, солик имтиёзлари.

### Кириш

Жаҳон амалиётида фойда солиги орқали иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш юзасидан кенг кўламли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Илмий изланишларда иқтисодиётнинг интеграциялашуви ҳамда жаҳон бозори конъюнктурасидаги ўзгаришларни инобатга олган холда фойдан соликка тортишни такомиллаштириш, фойда солигининг миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги таъсири, мамлакатнинг халқаро рақобатбардошлигини оширишга таъсири этуву фойда солигининг омиллари, мамлакат солик сиёсатининг рақобатбардошликка таъсири ҳамда фойда солиги ставкаларининг инвестицияларни жалб этишдаги ўрнига алоҳида эътибор каратилган. Унда соликни бошқаришда солик органлари дуч келадиган асосий муаммолар, масалан, соликдан қочиши, бўйин товлаш ва тартибга солишнинг мураккаблиги кўриб чиқилади. Бундан ташкири, у корпоратив даромад солиги маъмурятичилгини такомиллаштиришнинг мумкин бўлган афзалликларини, жумладан, конунчиликка риоя қилишни ошириш, солик бўшликларини камайтириш ва даромадларни йигишини кучайтиришни муҳокама килади. Бундан ташкири, фойда солиги маъмурятичилгини яхшилаш учун ишлатилиши мумкин бўлган турли стратегия ва ёндашувларни ўрганиди. Булар солик конунчилигига риоя қилиш учун технология ва ракамли ечимлардан фойдаланиш, таваккалчиликка асосланган аудит техникаси, ахборот алмашиш ва бошқа солик органлари билан ҳамкорлик, шунингдек, солик ходимларининг салоҳиятини ошириш ташабbusларини ўз ичига олиши мумкин. Фойда солиги маъмурятичилгининг жорий ҳолатини ўрганиш ва такомиллаштириш ўйналишларини аниқлаш орқали ушбу таҳлил солик маъмурятичилги амалиётини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган муҳокамалар ва сайҳаракатларга хисса кўшишига каратилган. У иқтисодий ўсишини раббатлантириш, солик адолатлилигини таъминлаш ва аҳолининг солик тизимига ишончини саклашда мустахкам ва самарали юридик шахслардан олинадиган фойда солиги тизимининг муҳимлигини эътироф этади. Умуман олганда, ушбу таҳлил корхоналар фойда солиги маъмурятичилгини такомиллаштириш билан боғлик муаммолар ва имкониятлар ҳакида

қимматли тушунчалар беришга ва ушбу муҳим соликнинг маъмурятичилгини яхшилаш бўйича тавсиялар беришга интилади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Хорижий иқтисодчи олим J.Mintzning фикрига кўра, ҳукуматлар самарадорлик, адолатлилик, маъмурй ёки сиёсий сабабларга кўра корхоналар фойдасини соликка тортишдан манфаатдор ҳисобланади [1]. Корхоналардан олинадиган фойда солигини ҳисоблашнинг асосий сабаблари кўйидагилардан иборат:

1. Маъмурй – юридик шахслардан олинадиган фойда солигининг ушлаб колувчи роли. Даромадларнинг айрим қисмларига, масалан, амалга оширилмаган капиталнинг ўсишига солик солиш қийин бўлгандা, даромаднинг тўлиқ соликка тортилишини таъминлаш учун корхоналардан олинадиган фойда солиги маъмурй жиҳатдан мос келади. Акс холда, жисмоний шахслар даромад солигини шахсий даражада солик тўлашдан қочиб, даромадни соликка тортилмайдиган шахсларда колдирадилар.

2 Норезидентларга тўланадиган даромадларни соликка тортиш. Корхоналардан олинадиган фойда солиги капитални импорт килувчи мамлакат томонидан тўлов манбаида ушлаб колинади, аммо бундай даромад охир-оқибат норезидентларга тўланиши мумкин. Бундан ташкири, ушбу соликлар асосий солик тўловчи томонидан тўланадиган чет эл соликларига тўғри келадиган даражада, импорт килувчи мамлакат солик тушумидаги бошқа хорижий ҳукуматларга тўланадиган улушини олади.

Америкалик иқтисодчи олимлар R.Grey ва N.Tankus корхоналар фойдасини соликка тортишнинг 3 та асосий назарияси яъни даромадлар назарияси, тақсимлаш ва хулқ-атвор назария мавжудлигини таъкидлайди [2].

1. Даромадлар назарияси. Даромадлар назариясига кўра соликларнинг мақсади харажатларни молиялаштириш учун зарур бўлган маблагни тўплашдан иборат. Корхоналар жамиятнинг бошқа соҳаларига нисбатан энг юқори “тўлаш кобилияти”га эга ва шунинг учун “адолатли улуши”ни тўлаши лозим. Замонавий солик тизимлари, хусусан, маржинал солик ставкалари давлатнинг қарзларига барқарор таъсири кўрсатади, чунки юқори бандлик ва иш ҳаки миқдорининг ошишига жавобан солик тушумлари хам кўпаяди.

2. Таксимлаш назарияси. Таксимлаш назариясига кўра корхоналардан олинадиган фойда солиги уларнинг даромадлари таксимланишига таъсир килади. Капитал ва ишчи кучи ўртасидаги таксимот кураши асрлар давомида иктисодий сиёсатининг мухим хусусияти бўлиб келган. Шу нуткаи назардан корхоналар фойдасини соликка тортиш умумий тартибда корхоналарга солик солиш “юки”нинг бир кисмини тегиши равишда таксимлайди. Ушбу асос “даромадлар назарияси” учун асосларнинг иккиласми элементи бўлиб, корхоналар “ўзларининг адолатли улушкини тўлаш” керак деган фикрда аник кўриниб турибди.

3. Хулк-атвор назарияси. Мазкур назарияга кўра ташкилий ва индивидуал хатти-харакатларни жамиятга фойда келтирадиган тарзда ўзгаририш учун муайян соликлар талаб қилинади. Корхоналар фойдасини соликка тортишининг янга бир мухим асоси хисобланади. Ушбу назария маълум соликларни уларнинг жисмоний шахслар ва муассасалар хатти-харакатларига таъсир асосида оқлаши учун ишлатилади. Баъзи соликлар яъни сигарет ва алкоголларга соликлар “яхши хулк-атвор”ни рагбатлантириши билан асосланади, гарчи бу “ташқи таъсирлар” иктисодий назарияси 20 асрда хукукий доктринага таъсир ўтказгандан бери ўзгарган бўлса-да.

Россиялик тадқиқотчи Е.Шкrebela томонидан фойдани соликка тортишининг назарий жиҳатлари ўрганилган [3]. Унинг фикрига кўра, фойда солигининг ўзига хос хусусияти шундаки, хукукий жиҳатдан ушбу солик корхоналарнинг даромадларига солинадиган солик сифатида каралади. Бироқ, иктисодий нуткаи назардан мазкур солик тури корхоналар эгаларининг даромадларига, пировард натижада эса ташкилотнинг ишлаб чиқариш омилига солинадиган соликдир. Фойда солигининг ўзига хос хусусиятларидан янга бири бу – монетар хукumat аъзолари томонидан солик тўловчиликнинг айrim тоифалари ёки алоҳида хўжалик операциялари учун имтиёзлар жорий этилган холда, ундан иктисодиётнинг муайян фаолиятларини рагбатлантириш учун фойдаланилади.

О.Гафарованинг кайд этишича, фойда солиги бошқа солик турларидан (мисол учун, кўшилган киймат солигидан) солик тўловчининг харажатлари истеъмолчилар томонидан харид килинган товарлар ва хизматлар билан копланаслиги билан фарқ килади, бу эса, ўз навбатида, фойда солигининг иктисодий хусусиятлари ўзгарамаслигини таъминлайди. Ушбу солик мулкни кайта таксимлашни янада обьектив бошқаришга ёрдам беради, чунки бунда солик солишининг иккита асосий – тартиба солиши ва назорат килиш вазифалари юкори даражада таккосланади [4].

Н.Ҳайдаров томонидан стратегик чет эл инвесторларини кириб келишини рагбатлантириш масадада хорижий инвестицияли корхоналарни фойда солигига тортишининг янги, ноанъанавий механизми ишлаб чиқилган [5].

Қ.Тўҳсанов кайд этишича фойданинг солик солиши обьекти сифатидаги афзаллиги давлатнинг юз берәётган ўзгаришларга тезкор таъсир кўрсатиши имкониятидир. Солик солиши сифатида фойдани танлаш, алоҳида корхонада ўта юкори фойданинг пайдо бўлишини кайд этиш, бунинг сабабларини аниқлаш ва зарур ҳолларда солик солишининг тартибига солувчи механизмидан фойдаланиши имконини беради [6].

Тадқиқотни амалга оширишда фойдаланилган усуллар (Methods/Методы). Тадқиқотни амалга оширишда кўйилган масадларни амалга оширишда мантиқий ва таркиби таҳлил қилиш, гурухлаштириш, иктисодий-статистик таҳлил, ўзаро ва қиёсий таққослаш усулларидан самарали фойдаланилди

Тахлиллар (Analysis/Анализ). Бугунги кунда солик даврида соғ тушуми бир миллиард сўмдан ошмаган юридик шахслар учун айланмадан олинадиган солик тури сақланиб колинмоқда. Бу эса, корхоналарга солик солишида номутаносиблини келтириб чиқаради. Шу билан бирга, юридик шахслар ўртасида согром ракобат мухитини яратиш ва иктисодиётнинг ракобатбардошлигини ошириш имкониятини бермайди. Шу сабабли, фикримизча айланмадан олинадиган солик тўловчи корхоналар учун хам фойда солигини жорий килиниши масадаг мувофиқ.

Хозирги вақтда мамлакатимизда ракобатбардош иктисодиётни шакллантириш масадада солик юкининг даражасини камайтириш хамда барча корхоналарга бир хил солик солишига каратилган ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, иктисодиётга солик

юкининг даражасини камайтириш, шунингдек, солик солишининг соддалаштирилган ва умумбелгиланган тизими бўйича соликларни тўлайдиган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги солик юки даражасидаги номутаносибликларни бартараф этиш солик сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг асосис йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Шунга асосан, фойда солигини тўловчи корхоналар учун давлат массадли жамғармаларига юридик шахсларнинг товар айланмасидан ундирилладиган мажбурий ажратмалар бекор килинди. Йиллик товар айланмаси 1 миллиард сўмдан ошган корхоналар умумбелгиланган соликларни тўлашга ўтказилган холда фойда солигини тўлаш белгиланди. Бензин, дизель ёқилиғиси ва газ ишлатганилк учун олинадиган солик акциз таркибида кўшилди. Айланмадан олинадиган соликини тўловчи тадбиркорлик субъектлари учун хам юридик шахсларнинг мол-мulk солиги, ер солиги ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик жорий этилди.

#### 1-жадвал

##### Фойда солиги ва айланмадан олинадиган соликни тўловчи корхоналарда солик тарқибининг ўзгариши таҳлили [7]

2018 йил	2023 йил
Фойда солигини тўловчи корхоналар томонидан тўланадиган соликлар тарқиби	
1) юридик шахслардан олинадиган фойда солиги;	1) фойда солиги;
2) кўшилган киймат солиги;	2) кўшилган киймат солиги;
3) акциз солиги;	3) акциз солиги;
4) ер ҳаъзидан фойдаланувчилар учун соликлар ва максус тўловлар;	4) ер ҳаъзидан фойдаланганлик учун солик;
5) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик;	5) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик;
6) юридик шахсларнинг мол-мulkiga солинадиган солик;	6) юридик шахсларнинг мол-мulkiga солинадиган солик;
7) юридик шахслардан олинадиган ер солиги;	7) юридик шахслардан олинадиган ер солиги;
8) бензин, дизель ёқилиғиси ва газ ишлатганилк учун олинадиган солик.	8) иктисомий солик;
9) яхши хулк-атвор,	9) рента солиги.
10) давлат массадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар.	
Айланмадан олинадиган соликни тўловчи корхоналар томонидан тўланадиган соликлар тарқиби	
1) яхна солик тўлови;	1) айланмадан олинадиган солик;
2) яхна иктисомий тўлов.	2) иктисомий солик;
	3) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик;
	4) юридик шахсларнинг мол-мulkiga солинадиган солик;
	5) юридик шахслардан олинадиган ер солиги.

Шунингдек, 2020 йил 1 январдан амалиётта татбиқ этилган янги таҳрирдаги Солик кодексига мувофиқ бозорлар, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар хамда хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотарлар учун хам фойда солиги жорий килинди.

Амала оширилган ислоҳотлар натижасида, фойда солигини тўловчи корхоналар томонидан тўланадиган соликлар кискартирилган бўлса, айланмадан олинадиган соликни тўловчи корхоналар учун эса солик турлари оширилган. Буни кўйидаги жадвалда кўришимиз мумкин.

#### 2-жадвал

##### “O'zbekiston Respublikasi Valyuta Birjasi” акциядорлик жамиятида солик юки ўзгариши таҳлили [8]

№	Солик ва маъбдий тўловлар	2018 йил		2023 йил		Фарқи	
		Солик бонса максади	Ставка	Солик сумаси	Ставка		
Максадос (ин- шони) солинади соғ турлари	45 426,8	x	x	47 997,0	x	x	2 570,2
1 Фойда солиги	34 774,1	14%	4 868,4	36 948,9	12%	4 433,9	-434,5
2 Иктисомий солик	6 387,9	25%	1 597,0	7 642,4	25%	1 910,6	313,6
3 Максадий сумаси	45 426,8	3,2%	1 453,7	0,0	0%	0,0	-1 453,7
4 Мол-мulk солик	1 001,7	5%	50,1	790,8	2%	15,8	-34,3
5 Ер солиги (максади)	0,4	104,9	44,7	0,4	125,9	53,6	8,9
6 Сув солиги (сумаси)	4,2	98,2	0,4	2,9	150,0	0,4	0,0
Жами	x	x	8 014,2	x	x	6 414,3	-1 599,9
<b>Солик юки (%)</b>	<b>17,6</b>			<b>13,4</b>		<b>-4,3</b>	

Юкоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибди, 2023 йилда 2018 йилга нисбатан фойда солигини тўловчи корхоналар томонидан тўланидаган соликлар тарқиби 10 тадан 9 тага

кисқартирилган бўлса, айланмадан солик тўловчи корхоналарда 2 тадан 5 тага оширилган.

Фойда солигини тўловчи корхоналарда солик фойда солиги ставкаси пасайтириш ва солик турлари кисқартирилиши натижасида ушбу корхоналарда солик юки камайди. Буни “O'zbekiston Respublikasi Valyuta Birjasi” акциядорлик жамиятида кўришимиз мумкин.

Юкоридига жадвал маълумотлари асосида “O'zbekiston Respublikasi Valyuta Birjasi” акциядорлик жамиятида солик юки ўзгаришин тахлил қиладиган бўлсак, 2018 йилда хисобланган солик суммаси 8 014,2 млн.сўмни ташкил этиб, соф тушумга нисбатан 17,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2023 йилда концепциянинг амалиётта жорий килиниши натижасида солик суммаси 6 414,3 млн.сўмни яни соф тушумга нисбатан 13,4 фоизни ташкил этган. Натижада, солик миқдори соф тушумга нисбатан 4,3 фоизга камайиб, 1 599,9 млн.сўм корхона ихтиёрида қолган. Шундан, солик ставкаси камайиши натижасида фойда солиги 434,5 млн.сўмга, мол-мулк солиги 34,3 млн.сўмга, мажбурий ажратмаларнинг бекор килиниши хисобига 1 453,7 млн.сўмга солик миқдори камайган.

Айланмадан олинадиган соликни тўловчи корхоналарда амалга оширилган ислоҳотлар натижасида яъни ресурс соликларининг жорий килиниши натижасида солик юки ошган. Буни “Spiter-Group” хусусий корхонасида кўришимиз мумкин.

#### 2-жадвал

#### “O'zbekiston Respublikasi Valyuta Birjasi” акциядорлик жамиятида солик юки ўзгариши тахлили [8]

млн.сўм

№	Солик бонга маҳабтирий тўлов турлари	2018 йил			2023 йил			Фарзи
		Солик солиш базаси	Ставка	Солик суммаси	Солик солиш базаси	Ставка	Солик суммаси	
	Махсулот (шундаки хизмат) солишсан соф тушуме	45 426,8	x	x	47 997,0	x	x	2 570,2
1	Фойда солиги	34 774,1	14%	4 868,4	36 948,9	12%	4 433,9	-434,5
2	Илжимий солик	6 387,9	25%	1 597,0	7 642,4	25%	1 910,6	313,6
3	Маҳабтирий ажратма	45 426,8	3,2%	1 453,7	0,0	0%	0,0	-1 453,7
4	Мол-мулк солиги	1 001,7	5%	50,1	790,8	2%	15,8	-34,3
5	Ер солиги (млн.сўмга)	0,4	104,9	44,7	0,4	125,9	53,6	8,9
6	Соф солиги (тўлашингч.мў)	4,2	98,2	0,4	2,9	150,0	0,4	0,0
Жами		x	x	8 014,2	x	x	6 414,3	-1 599,9
<b>Солик юки (%)</b>		<b>17,6</b>		<b>13,4</b>			<b>-4,3</b>	

Юкоридига жадвал маълумотлари асосида “Spiter-Group” хусусий корхонасида солик юки ўзгаришин тахлил қиладиган

#### References:

- Knoll, Michael S., Taxes and Competitiveness. Faculty Scholarship. (2006) Paper 130.
- Porter, M. E., Delgado, M., Ketels, C. & Stern, S. Moving to a new global competitiveness index.
- Mintz, J.M. (1999). Globalization of the Corporate Income Tax: The Role of Allocation, in: FA 1999, pp. 389-423.
- Nicodème, G. (2009). Corporate Income Tax and Economic Distortions, Taxation papers, Directorate General for Taxation and Customs Union, EC, 1-19.
- Grey R., Tankus N., Corporate Taxation in a Modern Monetary Economy: Legal History, Theory, Prospects. SSRN Electronic Journal, January 2017.
- Steven A. Bank, Entity Theory as Myth in the Origins of the Corporate Income Tax, 43 Wm. & Mary L. Rev. 447 (2001).
- Sheldon D. Pollack, Origins of the Modern Income Tax, 1894–1913. The Tax Lawyer Vol. 66, No. 2 (WINTER 2013), pp. 295-330.
- Тўхсанов Қ. Н. (2023) Ўзбекистон Республикаси солик тизими. Ўкув кўлланма. 86-90 бетлар. ТДИУ Тошкент 2023 йил...

бўлсак, 2018 йилда хисобланган солик суммаси 52,5 млн.сўмни ташкил этиб, соф тушумга нисбатан 5,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда эса солик суммаси

43,7 млн.сўмни яъни соф тушумга нисбатан 6,8 фоизни ташкил этган. Хисобланган солик миқдори 2019 йилда ўтган йилга нисбатан 8,8 млн.сўмга камайган бўлсада, солик юки соф тушумга нисбатан 1,0 фоизга ошган. Корхонада солик юки ошишининг асосий омили ресурс соликлари жорий килиниши бўлган.

Кейинги йилларда мамлакатимизда барча тадбиркорлик субъектлари учун тенг имкониятлар яратиш мақсадида солик солишнинг алоҳида тартиблари бекор килиниб, замонавий солик тизимининг адолатли солик турларидан бирни бўлган фойда солиги жорий килинди. Бирок, айрим турдаги солик тўловчилар учун солик солишнинг маҳсус режими яъни айланмадан олинадиган солик сакланиб колинмоқда. Натижада, солик тўловчилар ўртасида солик юки ўртасидаги фарзи сакланиб колинмоқда. Бу эса рақобат муҳитига салбий таъсир килади. Чунки бир хил турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналар товарларни икки хил нарҳда сотади. Солик юки кам бўлган корхона маҳсулотларни арzon нарҳда сотади, аксинча солик юки кўп бўлган корхона маҳсулотларни қўйматроқ нарҳда сотади. Шунингдек, бир хил даромадга эга бўлган корхоналар томонидан тўланадиган соликлар миқдори турлича бўлишига олиб келади.

Макола бўйича хулоса ва таклифлар (Conclusions/Заключения). Хулоса килиб айтадиган бўлсак, айланмадан олинадиган соликни тўловчи корхоналарни умумбелгиланган тартибида солик солиш тартибига ўтказган холда фойда солигини жорий килиши мақсадга мувофиқ. Натижада, барча тадбиркорлик субъектларига бир хил солик солинади ва корхоналар ўртасида соф рақобат муҳити вужудга келади. Шунингдек, корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажми кўпаяди ва сифати ошади.

Тадқиқотларимиз шуну кўрсатдиги, фойда солигини хисоблаш механизмини такомиллаштириш учун куйидаги тадбирлар амалга оширилиши мақсадга мувофиқ хисобланади:

- фойда солигини хисоблаб чиқаришни соддалаштириш ва муракабликларнинг олдини олиш мақсадида фойда солиги бўйича хисоблаб чиқариладиган ҳар ойлик бўнак тўловларининг бекор килиниши;

- давлат бюджетига тушумлар барқарорлиги таъминлаш учун фойда солиги бўйича солик хисоботини топшириш ва соликни тўлаш муддатини ҳар ойлик килиб белгиланиши мақсадга мувофиқ.